



ЯНГИ САНОАТ ЛОЙИҲАЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни Тошкент вилоятига ташриф буюриб, йирик sanoat мажмуалари ва спорт объектлари билан танишди, янги корхоналарни ишга тушириш маросимида иштирок этди.



Ташриф “Ангрен” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишишдан бошланди.

2012 йилда ташкил этилган мазкур иқтисодий зона сўнгги йилларда ҳам ҳудуд, ҳам салоҳият жиҳатидан кенгайди. У Ангрен шаҳри, Оҳангарон шаҳри ва тумани, Бекобод шаҳрининг бир қисмини қамраб олган. Бугун ушбу зонада 76 та корхона, уларда 11 мингдан зиёд аҳоли ишламоқда.

Улардан бири — “Premier elektrotech” масъулияти чекланган жамиятининг 23 миллион долларлик лойиҳаси. Утган йили декабрда ишга тушган бу корхона йилига 100 минг дона кир ювиш машинаси ва 200 минг дона совиткич ишлаб чиқариш ҳамда 1 миллион долларлик экспорт қувватига эга. 350 киши иш билан таъминланган.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, уни кенгайтириш учун қурилиш олиб борилмоқда. Иккинчи босқич шу йил декабрда фойдаланишга топширилади ва иш ўринлари 450 тага етади.

Жамият томонидан, шунингдек, телевизор, кондиционер каби бошқа

маиший техникалар ҳам ишлаб чиқарилади. Рақобатбардош бу маҳсулотлар МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Оҳангаронда тайёр sanoat инфрақурилиши борлиги, бу хорижий инвестициялар жалб этиш учун катта имконият эканини таъкидлади. Шу каби корхоналарни кенгайтириш мақсадида электротехника саноати зонасини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Оҳангарон металл қувурлар заводининг жойи беш йил олдин унумсиз дала эди. 2018 йилдан бошлаб sanoat мажмуаси барпо этилди. 49 миллион долларлик бу лойиҳа учун ускуналар Туркиядан олиб келинди. Йиллик 205 минг тонна металл маҳсулотлар тайёрлаш қуввати яратилиб, 250 та иш ўрни барпо этилган. Жорий йилнинг 6 ойида қарийб 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

“Silk plast quality” корхонасида йилига 13 минг тонна полимер қувурлар ва фитинг маҳсулотлари тайёрланади. 78 кишининг бандлиги таъминланган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирди. Янги лойиҳаларни шакллантириш, аҳоли бандлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасида яна 42 та лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Уларда 5 мингдан зиёд иш ўрни очилади. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Юқори Чирчиқ туманида барпо этилаётган футбол бўйича миллий терма жамоалар марказини бориб кўрди.

Бу марказ Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Ҳозирда 8 минг ўринли стадион қурилган. Яна 7 та машғулот майдони, пляж футбол майдони, футзал манежи, бассейн, реабилитация мажмуаси ва ётоқхоналар қурилиши режалаштирилган.

Соҳа мутасаддилари билан суҳбатда миллий футболимизга хориждан малакали техник директор олиб келиш, футбол тузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Жиззах,

Наманган ва Тошкентда минтақавий базалар ташкил қилиш, мураббийлар мактабини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Президент ёшлар орасида футболни янада оммалаштириш, уларга шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

— Ўзбекистонда футбол энг сеvimли спорт тури. Ҳар унта одамдан тўққизтаси унинг муҳлиси, деса бўлади. Бу оммавийликдан фойдаланиб, футболни тубдан ривожлантириш керак. Масалан, юртимизда 10 мингта мактаб бор, 208 та туман-шаҳар бор. Ҳўш, мактаб, маҳалла, жамоаларда футбол қандай бўлади? Иккинчидан, футболга меҳр қўйган болалар ўз йўлини топиши учун нима қилишимиз керак? Учинчидан, ёшлар футболдан кетгандан кейин нима билан шуғулланади, уларга қўшимча касб-хўнар беришни ҳам ўйлаш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ёш футболчилар билан ҳам суҳбатлашди.

— Халқимизнинг спортга меҳри кучли. Айниқса, футбол “оилавий дўстимиз”.

Миллий терма жамоамиз ўйинларини ҳаммамиз гурур, фахр, ҳаяжон билан кузатамиз. Сизлар оилада ота-онанинг фарзанди бўлганингиз билан майдонда халқимизнинг фарзандисизлар. Ана шунини доим ёдда тутинг, — деди Президент.

Футболчиларда Ватан туйғусини шакллантириш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

— Футболчилар дунё кезади, чет эл жамоаларида ўйнайди. Улар Ўзбекистон тарихини, шароитларини яхши билиши керак. Улар бизнинг элчиларимиз, болаларга намуна, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

Футбол тиббиёти ва реабилитациясини жаҳон ютуқлари асосида ривожлантириш масалалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Чирчиқ қишлоқ машинасозлиги кластерига ташриф буюриб, у ерда ишлаб чиқарилган биринчи маҳаллий маҳсулот — универсал трактор билан ҳам танишди.

Бу кластер Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги қарори асосан ташкил қилинган эди.

Машинасозликдаги 5 та корхона қувватлари мақбуллаштирилиб, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи негизда тўлиқ цикли кластер тизими йўлга қўйилди. Бунинг учун қарийб 38 минг квадрат метр янги иншоотлар қурилиб, 35 минг квадрат метрдан зиёд мавжуд бинолар таъмирланди.

Кластер йилига 15 минг дона трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Мингта иш ўрни яратилган. Яна бир муҳим томони, тармоқ корхоналари орасида кооперация кенгайиши, харажатлар ва маҳсулот таннархи қисқаришига эришилган.

Яқинда кластерда биринчи маҳаллий маҳсулот — универсал трактор ишлаб чиқарилди. Президент Шавкат Мирзиёев унинг ilk намуналарини кўздан кечирди.

Шунингдек, комбайн ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу ишларни давом эттириб, импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, бу жараёнга хусусий секторни жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!



Ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йиллари халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган озодлик, эрк ва эркинлик йўлидаги курашларининг мантиқий натижаси бўлди. Бу йиллар мобайнида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди.

Олти-етти йил аввал бошланган янгиланишлар, халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётган ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дадил қадамлар нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам кўтаринки кайфият билан кутиб олинмоқда.

БЎЛАР ЭКАН-КУ ЁХУД БУГУННИНГ КЕЧАДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Кунини кеча Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош ғоя асосида амалга оширилиши белгилаб олинди.

Бугун халқимиз янги Ўзбекистон, аслида, янги ҳаёт учун кураш эканини, бу йўлдаги сай-ҳаракатларсиз барча соҳаларда узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш асло мумкин эмаслигини яхши англаб турибди.

Қолаверса, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ҳар бир кун биз учун авваллари ҳаёлимизга ҳам келмаган имконият ва истиқболларни яратиб бермоқда. Шу нуқтаи назардан, юқорида номи қайд этилган қарорда ўтган қисқа, аммо тарихий жараёнлар, ислохотларга бой давр мазмун-моҳиятини очиб бериш лозимлиги таъкидланади. Мазкур вазифани “**Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажақ учун пойдевор**” ҳаётий шиори моҳияти ва аҳамияти ила очиб берилишига эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Шундай экан, вазифамиз ана шу икки даврни адолат тамойилларига амал қилган ҳолда холис таҳлил қилишдан иборат. Таҳлилларни “**Кеча**” (1991-2016 йиллар) ва “**Бугун**” (2016 йилдан сўнг) рукни остида амалга оширамиз. Уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат.

Кеча мамлакатимизда мажбурий меҳнат авж олгани билан ажралиб туради. Халқаро меҳнат ташкилотининг Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-конвенциясида, кейинчалик унинг 2014 йилдаги қўшимча баённомасида мажбурий меҳнат қаттиқ тақиқланган, уни амалга ошириш инсон ҳуқуқларини поймол қилишдан иборат экани қайд этилган бўлса-да, узоқ йиллар давомида бу масалага бизда эътибор берилмади.

Айниқса, оқ пахта биз учун “қора доғ”га айланди. Вазият шу даражага етдики,

▶ Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ



БОЙ МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР САРМОЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК МАНБАИ

Иқтисодий тараққиётни sanoat тармоқлари ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, бугун кимё саноати, қурилиш, машинасозлик, электротехника йўналишларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳаётимизга тобора кўпроқ кириб келмоқда. Улар орасида етакчилардан яна бири тоғ-кон саноатидир.

▶ Давоми 2-бетда

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Мухтасар ТОЖИМАТОВА
суҳбатлашди.**

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!



Ғайрат МАЖИД

Азиз халқим кутган гўзал замон келди,
Диёримга янги баҳор, бўстон келди,
Қалбимизга зиё — илму урфон келди,
Шукримиз бор ушалган бу армон учун,
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Бухорийлар, Термизийлар илми ёддир,
Темурийлар, Насафийлар руҳи шоддир,
Азизларнинг ётган жойи ҳам ободдир,
Боболардан мерос қутлуг макон учун,
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Ўзбек номи бордир қутлуг хабарларда,
Она тилим янграр олий минбарларда,
Ҳилтирайди байроқ мудом зафарларда,
Диллар осмон яралган кенг имкон учун,
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Баланд-баланд уйлар юртнинг дил баёни,
Янги қўшиқ бу — адиблар хиёбони,
Ёруғ умид, мақсадларнинг йўқ поёни,
Инсон қадри, инсон бахти, инсон учун,
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Саодатга етдик, шукр, бардош билан,
Ғамлар кетар содиқ ҳамроҳ, дарддош билан,
Бугун халқим иноқ дўсту қардош билан,
Оқ манзиллар, янги давру даврон учун,
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Таълим, таълим, таълим деган хитоб билан,
Ўзбекистон юксалмоқда шитоб билан,
Иймонингга қувват индир китоб билан,
Шиддат билан йўлга чиққан карвон учун,
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!

Боши қўкка тегиб турган тоғим, Ватан,
Тинчлик билан бахтдан масрур чоғим, Ватан,
Шавкатингга қўз тегмасин, богим, Ватан,
Халқим дея яшайётган сарбон учун,
Янги ҳаёт учун,
Янги Ўзбекистон учун!



БИР НУРОНИЙ — ЎН ЁШГА МАСЪУЛ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойили жорий этилиши ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик, шукроналик, меҳнатсеварлик, умуммиллий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда самарали натижа бермоқда.



КЕКСАЛАР ИБРАТИ — ДОНИШМАНДЛИК МАКТАБИ

Зулфия МЎМИНОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Тарбия энг нозик масала бўлиб, инсоннинг ахлоқий фазилатларини шакллантиради. Биз, ўзбекларда “Қуш инди кўрганни қилади”, деган ғал бор. Маҳалла — улкан уйимиз. Ёшлар ўз уйи оstonасидан чиқиб даставаал маҳалласига қўзи тушади. Маҳалладошларидан катта ҳаёт уммонида сузишни ўрганади. Қўзатиш, тақлид, ҳавас қилиш, эргашиш кабилар орқали инсон қалбда одаммийлик шаклланади.

Ниҳол эгилган томонга қараб ўсади

Катта ёшлар болаларни қай томонга бошласа, улар ўша томонга кетади. Бола гўдак ёшида эшитган эртақларидаги қаҳрамонларга ўхшагиси, одамларга яхшилик қилгиси, барчага бахт улашгиси ва шу орқали қалбда фахр туйғусини ҳис этгиси келади. Умримиз бино бўлиб ҳали ҳеч бир бола эртақлардаги каби жоҳил, бешафқат, такаббур ва техинхўр одамларга ўхшашни орзу қилганига гувоҳ бўлганимиз йўқ. Мард, доно, ҳалол ва меҳрибон, илми билан дунёни зиёга тўлдирган аждодлари билан авлодлар ва бутун миллат гурурланади.

Ёшлар бамисоли бир ниҳол. Қай томонга қараб эсанг, ўша томонга қараб ўсади. Шунинг учун фарзанд тарбиясида китоб мутлааси муҳим ўринга эга.

“Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойили бўйича маҳаллаларда ташкил этилган гуруҳлар эл-юрт ичида хурмат ва эътиборга эга бўлган, оиласи намунали кексалардан иборат. Бу гуруҳ, асосан, тарбиясида муаммоси бор ёшларни оталиққа олган. Мақсад, аввало, маҳалладаги уюшмаган ёшларни, мактабда яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчиларни, нотинч оилалар фарзандларини аниқлаб олишдан иборат.

Уғил болалар кўпроқ юрист, нафақадаги спорт мураббийлари, хунарманд, ўқитувчи, деҳқон, богбон заргар, темирчи, қулол, ҳайдовчилар, заҳирадаги ҳарбийларга, қиз болалар эса нафақадаги нуруний, психолог, олимпиа, адиб, журналист, ўқитувчи, новвой, қандолатчи, чевар ва сартарошларга бириктирилди.

Ёшлар тарбиясида яхши инсонларнинг намунаси аста-секин ижобий таъсирини кўрсатиб боради. Энг муҳим жиҳат ўқиш ва ўқиш, ҳалол меҳнатга муҳаббатни шакллантириш орқалигина бахтли яшаш мумкинлигига ишонч орттиришдир. Шунда жаҳолат, ялқовлик, худбинлик, қасадгўйлик, текинхўрлик, боқимандалик иллатлари ёш вужуддан сидириб ташланади. Уни камтарлик, тиришқоқлик, масъулият, атрофидигиларга ва Ватанга дахлдорлик каби фазилатлар билан бойитилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Тўғрилиққа, яхшиликка ва меҳнатга бошлайвераман”

— Маҳалламиздаги ўнға уюшмаган ёш йигитга масъулман, — дейди Тоир ота. — Тўғриси айтсам, ҳозир бу йигитларнинг шижоати ичига, қучи танасига сиғмаган, қизикқан бир давр. Шу ёшлар билан юракдан гаплашиб, хоҳишига қараб, 4 нафарини туманимиз марказидаги ошхона ва ресторанларга ишга жойладим. Бугунги кунда улар 2 миллион сўмдан ортиқ маош олмақда, асосийси, иш билан банд. Уларни спортга жалб этган ҳолда маҳалладаги спортчилар билан таништириб, футбол жамоамиз сафига қўшиб қўйдим. Учтасини автомобиль тузатадиган усталарга шоғирд қилиб бердим. Усталар уларга кунлик маош тўлайдиган бўлди. Икки йигитимиз компьютер технологиясига қизикади. Уларни компьютер тузатувчи усталарга бириктирдим. Мана, ҳам хунар ўрганишмоқда, ҳам ҳалол даромад топишмоқда. Ёшларимиздан яна биттаси олий ўқув юртига киришга тайёрлик кўряпти. Ҳомийларимиз барака топсин, репетиторларнинг хизмат ҳақини тўлаб берди. Насиб этса, бу йигитимиз ўзи орзу қилган ўқишга албатта қиради ва келажакда ўз касбининг устаси бўлади, деган умиддамиз. “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойили бўйича қилган ишларим ва тажрибамдан келиб чиқиб, туман кўрик-танловида биринчи ўринга муносиб топилдим ва вилоят босқичига йўл олдим. Маҳалламиздаги ёшлар тар-



йўл-йўриқлари ниҳоятда муҳим. Шу ўринда булунғурлик нуруний, кексалар маслаҳат гуруҳи раҳбари Тоир ота Хужамуродовнинг дил сўзларига қўлоқ тутайлик.

бияси ва келажаги учун ўзимни масъул деб биламан ҳамда уларни тўғрилиққа, яхшиликка ва меҳнатга бошлайвераман.

Йўқотилган вақт топилмайди

“Бир нуруний — ўн ёшга масъул” кўрик-танловининг шаҳар босқичида Тамара Орипованинг ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланган ва биринчи ўринга муносиб топилди. У Шаҳрисабз шаҳридаги марказий кутубхонада кутубхоначи бўлиб ишлайди ва маҳалласидаги барча ёшларни китобхон қилишга ўзини масъул ҳисоблайди.

— Аслида, маҳалладаги қайноналар ва ёш келинлар билан иш олиб борар эдим, бугун эса ёшлар қўршовидаман, — дейди шаҳардаги “Бувижонлар мактаби” гуруҳи раҳбари Тамара Орипова. — Маҳалламиз ахлининг 40 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Масъулигимдаги ўнға ёшни ҳар кунги фаолияти билан танишман. 6 нафарини китоб ўқишга жалб этиш осон кечди. Уларни ишга ҳам жойлаштирдик, натижада оиласига даромад келтириб, ҳаётга қизиқиши ҳам ортиб бормоқда. Шунинг қувонч билан айтилиши мумкинки, қизлар китобхонликдан ташқари чеварликни ҳам уддалаяпти.

Йигит-қизлар билан ишлаш жараёнида бу ёшларни фақат китобхонлик ўзгартира олади, деган хулосага келдим. Энг аввало, ёшларнинг оилавий шароитини ўрганиб чиқдим ва уларнинг китоб ўқимаётганига сабаб оилавий муҳит эканига амин бўлдим. Уйида ўқишга шароити йўқлигини билганим учун уларни дастлаб кутубхонада ўқита бошладим. Аста-секин уларда китобларни уйига олиб кетишга қўниқма ҳосил бўлди.

Китобхонликка безътибор ота-оналарга “Агар болангиз кутубхонага бормаса, китоб ўқиб, тафаккури теранлашмаса, эрта бир кун жиноятчилар сафига қўшилиши мумкин”, деб қатъий айтдим. Гапим таъсир қилди шекилли, ота-оналарнинг ўзлари ҳам китоб ўқий бошлади. Ҳозир ўнға болам ҳам китобхон, барчаси иш билан банд.

Сариосиё маҳалласи ёшлари ўртасида жиноятчилик қайд этилмапти. Бу борада ҳиссам қўшилганидан мамнунман. “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” кўрик-танловида эса вилоятда ҳам биринчи ўринни олишга ҳаракат қиламан.

Танлов низомига қўра, ўнға ёшни ўзим билан бирга олиб бориб, ҳар томонлама синаб кўришларига тайёрман. “Ёшлар — бизнинг келажакимиз” мавзусида тайёрланган альбом ва маълумотларимизда бу ёшларни дангасалиқ, журъатсизлик, лоқайдлик каби иллатлардан олиб чиқиш учун амалга оширган ишларим режали ва давомли эканини аниқ мисолларда келтирганман.

Бугунги кунда фарзандидаги ноҳуш ўзгартишлардан азият чекаётган оилалардаги ота-оналар ҳам олдимга келмоқда. Масъулигимдаги ўнға ёшга ҳаётда тўғри йўлга йўналтирганимдан сўнг яна бошқа ёшларни масъулигимга олишга, вақтдан ютишга ҳаракат қиламан. Ахир халқимизда “Йўқолган олтин топилар, аммо йўқолган вақт топилмайдир”, деган ғал бор...

Ёшларимиз ёнларидаги афсоналардан ўрнак олади

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармасининг кенг қўлоқ ёзган эзгу ишларига юртимиз маҳаллаларида яшайётган фахрийларимиз лаббай деб жавоб бермоқда. Аини кунларда барча ҳудудларда “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” кўрик-танловининг туман босқичлари қизгин ўтмоқда.

Отахон ва онахонларнинг фикрини эшитиш ва тажрибаси билан ўртоқлашиш мақсадида Тошкент вилояти ҳудудлари сари йўл олди. Тасодиқфни қарангки, Янгийўлда “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтаётган экан. Мўхташам залга кириб борганимизда эса юзу кўзларидан нур ёғилиб турган отахон ва онахонларнинг ўзаро беллашувини бевосита кузатиш имконига эга бўлди. Тўғриси, уларга ҳавас ҳам қилдик.

Нега дейсизми? Чунки танлов иштирокчилари бўлмиш “И даражали меҳнат фахрийси” Абдунаби Абдухалилов, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳибаси Гулнора Жалилова, Самарқанд маҳалласи кексалар маслаҳат кенгаши раиси Гулхайри Шербоева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мухайе Тўлаганова, “Муътабар аёл” кўкрак нишонин соҳибаси Гулнора Алиқуллова ва “Меҳнат фахрийси” Ғофуржон Қўчқоровнинг азму шижоати, ақлу заковати ҳавас қилар даражада фахрли эди-да.

Танловни кузатар эканмиз, Янгийўл мисолида нурунийларимизнинг донишмандлигига, ҳар қандай муаммоларга ечим топишдаги тажрибалари, тарбиясида муаммоси бор ёшлардаги руҳий ўзгаришларга педагогик ёндашувлари ўз самарасини бераётганига гувоҳ бўлдик.

Аслида, “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” кўрик-танловини ўз вақтини аямай қатнашаётган кексаларимизнинг умр йўллари бир донишмандлик китобидир. Туманларда ўтаётган ушбу нуфузли кўрик-танлов замирида қарияларимизнинг танловга қадар қилган ишлари, юксак даражадаги тажрибаси ёшларнинг эзгу фаолиятига кенг йўл очди. Ёшларимиз ёнларидаги афсоналардан ўрнак олади, уларни англаш билан ўзини ва дунёни англайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
43690 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 01:35 Топширилди — 01:45

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05